



Савол:

Ҳаром нарсa билан даволанса бўладими? Масалан коньяк одамнинг ичидаги қуртларни туширар экан?

Жавоб:

Пайғамбаримиз “Умматимнинг шифоси ҳаром нарсаларда қилинмади” дедилар. Аптекага борсангиз арзимаган пулга қуртларни тушириш учун тайёрланган дори беради. Уни сотиб олаётганда катталарникими ёки кичикларники? деб сўраб олишни унутманг.

Қолаверса, касал бўлинса табиб-докторга мурожаат қилинади, тўғри келган алкашнинг сўзи олинмайди. Ҳа, у алкаш-алкоголик бўлгандан кейин ароқ ва коньякларни ҳамма нарсага дори дейди-да.

Агар жавобимиз қўпол бўлган бўлса узр.